

## Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология маркази томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика ишлари бўйича пуллик хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори лойиҳасини (ID-19834 (V-2) кўриб чиқиб, куйидагиларни маълум қилади.

### ***Низом лойиҳаси бўйича:***

1. Мазкур Низом лойиҳаси аввал маъмурий регламент лойиҳаси сифатида тайёрланганлиги сабабли, айrim нормаларни қайта кўриб чиқиш талаб этилади. Хусусан, 8-бандда “ветеринария хизматларидан фойдаланиш бўйича мурожаатлар тўғридан тўғри ҳамда “Ягона дарча” божхона ахборот тизим орқали қабул қилинади”, деб кўрсатилган бўлиб, бу истеъмолчиларга зарур хизматни тезкор олишда маъмурий тўсиқларни юзага келтиради.

Худди шунингдек, 9-банддаги “Тақдим этилган мурожаатлар қабул қилиниб, рўйхатдан ўтказилиб,” нормалари ҳам қайта кўриб чиқилиши лозим.

2. 9-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Тузилган шартнома бўйича белгиланган тўловлар тўланганлиги ҳақида касса чеки ёки тўлов квитанция берилади” нормаси – тегишли хизмат кўрсатилмасдан олдиндан ҳақ тўлашни талаб қилиш билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу нормани чиқариб ташлаш (ушбу норма 20-бандда ҳам такрорланган), балки томонлар ўртасида ўзаро тузиладиган шартномага қўйилган асосий талабларни акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Бунда, шартномада тўлов шакли ва муддатлари, томонларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа маълумотлар кўрсатилади.

3. 12-банд асослантирилмаганлиги, унда келтирилган норма ҳукуқ ва амалиётда кўлланилмаслиги ҳамда истеъмолчиларнинг манфаатларига зидлиги сабабли тўлиқ чиқариб ташлаш лозим.

4. 16-бандда келтирилган Марказнинг ветеринария хизматини кўрсатишдаги ҳукуқларини қайта кўриб чиқиш, бунда ҳукуқ ва вазифаларни алоҳида келтириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, 16-банднинг бешинчи хатбошини (“ихтиёрида мавжуд бўлмаган дори воситаларини истеъмолчидан олиб келишни талаб қилиш”) чиқариб ташлаш.

5. 17-бандга қуйидаги мажбуриятларни киритиш: даволаш учун изоляторда олиб қолинган итларни хавфсизлигини таъминлаш.

### **17-бандга қуйидаги таҳрирдаги янги хатбошилар киритиш:**

“Марказ истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга, шунингдек кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга ҳақли эмас.

Марказ ветеринария хизматларини бир турини кўрсатиш учун иккинчи турини қабул қилишни мажбурий тарзда тиқиширишга ёки зарурати мавжуд бўлмаган хизматларни кўрсатишга ҳақли эмас”.

6. 18-банднинг тўққизинчи хатбошида истеъмолчи тақдим этилган ит нобуд бўлганда, жасадини олиб кетиш хукуқига эгалиги кўрсатилган.

Бироқ, 17-банднинг ўн иккинчи хатбошида Марказ нобуд бўлган ит жасадини тегишли хулоса асосида истеъмолчини хабардор этган ҳолда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг тегишли худудий тузилмасига топшириш мажбуриятини олган.

Шунга кўра, ушбу нормаларларни ўзаро мувофиқлаштириш талаб этилади.

7. 19-банднинг иккинчи хатбошини (“Клиникага итни кўриқдан ўтказиш учун тақдим этиш”) чиқариб ташлаш.

Шунингдек, 19-банднинг олтинчи хатбошида “даволанаётган итни сақлаш ва озиқлантириш харажатларини қоплаш” мажбурияти истеъмолчига юклатилмоқда. Бироқ, ушбу хизматни кўрсатиш билан боғлиқ жараёнлар Низомда акс эттирилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология маркази томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ветеринария даволаш-профилактика ва лаборатория-диагностика ишлари бўйича пуллик хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳакида”ги қарор лойиҳаси юқоридаги таклифлар ва эътиrozларни инобатга олгандан сўнг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.